

ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ВА МУЛОҚОТЛАР МУНТАЗАМЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН – ФИНЛЯНДИЯ ҲАМКОРЛИГИГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқа 1992 йил 26 февралда ўрнатилган. Президент Шавкат Мирзиёев фаол ташқи сиёсат ва ислохотлар йўлини эълон қилгач, Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлиги янги суръат олди. Илгари вақти-вақти билан амал қилган мулоқот механизми жадаллашди. 2018 йил томонлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича

хукуматлараро комиссияни қайта тиклашга келишди. Бу қадам мулоқотни жонлан-тириш ва янги ҳамкорлик йўналишларини излашга туртки берди. Финляндия Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббусларини ҳам фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда, бу ўзаро ишончнинг юқори даражасини акс эттиради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозир мамлакатимизда машинасозлик, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, телекоммуникация, тоза технологиялар ва агросаноат соҳаларида фаолият юритувчи Финляндия капитали иштирокидаги ўндан ортқ корхона фаолият кўрсатмоқда.

Кўксарой қароргоҳида 31 октябрь кунни Финляндия Республикаси Президенти Александр Стуббни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Қароргоҳ олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, шохсупага таклиф этди. Ўзбекистон ва Финляндия давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказилди.

Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада мустаҳкамлаш истиқболлари атрофича кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги сиёсий мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани, бизнест а оид шериклик фаолашгани мамуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб, иқтисодий ва ишбилармонлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда Финляндия билан ҳамкорликда Халқаро Нордик университети муваффақиятли фаолият юритмоқда, мактаб таълими соҳасидаги дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон — Финляндия бизнес форумининг якунида умумий қиймати 1 миллиард евродан зиёд истиқболли қўшма лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Музокараларда товар айирбошлашнинг каррасига ошириш, шу жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб беришни рағбатлантириш учун Савдони молиялаштириш қўшма ҳамгармасини ташкил этиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи

бозорларига олиб чиқиш учун сертификатлаш лабораторияларини очиш ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Геология ва муҳим материаллар, энергетика, агросаноат, рақамлаштириш, сунъий интеллект, экология, туризм ва бошқа муҳим тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилди.

2026 йилда Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигилишини ўтказиш ва Ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш юзасидан келишувларга эришилди. Худудлараро ҳамкорлиқни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Таълим, тиббиёт ҳамда меҳнат миграцияси соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йилда биринчи Ректорлар ва инновациялар форумини ўтказиш режалаштирилган.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб Қўшма баёнотини имзоладилар.

Етакчилар ҳузурида турли йўналишларда, шу жумладан:

- савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги ҳамкорлик;
- геология фанлари, геологик қидирув, фойдали қазилмалар ва ер ости сувларини излаш ҳамда қишлоқ соҳаларидаги ҳамкорлик;
- рақамли трансформация, инновациялар ва рақамли ўзаро боғлиқлиқни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик;
- мактабгача ва мактаб таълими тизими рақамли таълим платформасини жорий этиш бўйича ҳамкорлик;
- таълим, фан ва инновациялар соҳаларидаги ҳамкорлик;

— рақамлаштириш ва сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги фан-таълим салоҳиятини ошириш;

— иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ҳамкорликка оид икки томонлама ҳужжатлар тўлиқлигини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Финляндия саммити якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Стубб Фахрий меҳмонлар хиебонида биргаликда дарахт экидилар.

Маросим Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга интилишнинг, икки мамлакат ва халқ ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётганининг раъми бўлди.

Шу кунни Финляндия Республикаси Президенти “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон мамлакатимиз ўтмиши ва келажакка ишонч тимсоли бўлган ҳамда улуг аждодларимизнинг ёрқин сиймосини жаҳонга намойиш этувчи мазкур монумент мазмун моҳиятини юқори баҳоладди.

Александр Стуббнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Марказий Осиё халқаро институтида “Марказий Осиё ва Шимол мамлакатлари: янги ҳамкорлик истиқболи” мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда Президент Александр Стубб ҳам иштирок этди.

Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Финляндия бизнес форумида ҳам қатнашди.

Шу билан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стуббнинг мамлакатимизга расмий ташрифи аяунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари



САМАРҚАНДНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ РУҲИ ЮНЕСКО ТАМОЙИЛЛАРИГА ТЎЛИҚ МОС КЕЛАДИ

Хорижий эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандда очилган ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясидаги нутқи ҳақида

30 октябрь кунни қадимий Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси очилди. Бу ташкилотнинг 40 йилдан сўнг биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилган энг йирик халқаро форумидир. Ўшбу тадбир нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим босқич бўлди. Чунки у ўзини мулоқот, маданий хилма-хиллик ва барқарор ривожланиш майдони сифатида тобора кўпроқ намоён этмоқда.

Конференция иштирокчилари ва халқаро экспертлар форумининг ташкилий даражасини юқори баҳоладилар ва Самарқандда бундай кенг қўламли анжуман ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси ортиб бораётганини акс эттиришини таъкидладилар.

Халқларни бирлаштириш, ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ва маданий меросга ҳурмат билан ёндашишга айланган ғояларни билдирган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқида алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманнинг хорижий иштирокчилари ва халқаро экспертлар таъкидича, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар дастурий хусусиятга эга бўлиб, гуманитар соҳада ўзаро таъсир учун янги векторни белгилайди ва мамлакатнинг тинчлик, таълим ва маданий меросини асраб-авайлашга содиқлигини намойиш этади.

► Давоми 2-бетда

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

НЕГА ТАДБИРКОРЛИК АСОСИЙ ТАЯНЧ СИФАТИДА ТАНЛАБ ОЛИНДИ?

Бошпанасиз, тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш у ёқда турсин, ҳатто тўйиб овқатланишга имкони йўқ, ўта оғир шароитдаги одамлар ёки оилаларга нисбатан “қашшоқ” атамаси қўлланади. Хайриятки, бизнинг тилимизда қашшоқ сўзи деярли учрамайди. Юртимизда бундай қатлам мавжуд ҳам эмас. Миллий менталитетимиз, қолаверса, жамиятимизда қийналганларга қўмаклашиш, тақдирига бефарқ бўлмаслик каби эзгу ишлар, дахлдорлик хисси ён-атрофимизда кимнингдир кўчада қолишига йўл қўймайди.



Камбағалликка келсак, бу — бошқа масала. Мамлакатимизда қашшоқ қатламнинг йўқлиги жамиятимизда камбағал оилалар учрамаслигини англатмайди. Ёнг ривожланган давлатларда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, иқтисодий имконияти чекланган, даромади белгиланган

минимал истеъмол харажатидан паст қатлам мавжуд. Камбағаллик шу каби қатор мезонларга қўра белгиланади. Бундан 8-9 йил олдин “камбағал оила” деган ибора, ҳатто луғатимизда йўқ эди. Бу мамлакатимизда камбағаллик учрамагани, ҳамма жой обод, турмуш фаровон бўлга-


нидан эмас, шунчаки камбағаллик — ёпиқ мавзу, у ҳақда оғиз очиб мулмин эмас эди. Аммо ойна этак билан ёпиб бўлмайди. Ҳар қандай муаммо тан олимпиагунча уни ҳал этиб бўлмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

► Давоми 3-бетда

МАЪРИФАТЛИ КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА ҚУРИШ ИСТАГИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференцияси тарихий воқеа сифатида ёдда қолмоқда. Бу — 40 йилда илк бор Париждан ташқарида ўтказилган анжуман бўлиб, уни ўтказиш учун Самарқанднинг танланиши рамзий ва маънавий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга.

► Давоми 2-бетда



ЭЗГУ ИШЛАРГА БАРЧАМИЗ
КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК



Муносабат

МАЪРИФАТЛИ КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА ҚУРИШ ИСТАГИ



Нозима МУРАТОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети проректори

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, айнан мана шу шаҳарда жаҳоннинг илгор фикр эгалари, сиёсий ва илмий етакчилари, зиёлилар, фаол аёллар ва ёшлар, маданият ва таълим экспертлари йиғилиб, XXI асрнинг энг муҳим масалаларига ечим изламоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида Президентимизнинг нутқини эшитиб, бу сессиянинг фалсафий моҳиятини янада терең ҳис қилдим. Ўзтироф этилганидек, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО фаолиятига мутлақо янгича рух, яъни инсонпарвар ва интеллектуал ёндашув киритди.

Нутқдаги бир нечта муҳим ташаббуслар диққатини тортди. Биринчидан, сунъий интеллект ва ахборот жараёнлари ҳақидаги ғоя.

“ЮНЕСКО бугун нафақат маданият ёки таълим, балки бутун инсониятнинг маънавий келажаги учун масъул ташкилотдир. Самарқанд сессиясидаги муҳокамалар шунга ишора қилди. Шу жиҳатдан Президентимиз нутқи ҳам, Одринг Азуле фикрлари ҳам, глобал масалалар бўйича сессия хулосалари ҳам — барчаси ягона умумий ғояни таъкидлайди: инсонпарвар тараққиёт ва маърифатга асосланган келажакни биргаликда қуриш зарур.

ТАШАББУСЛАР ҲАР ДОИМГИДЕК ДОЛЗАРБ ИЖРОСИ ЭСА ЖУДА МУҲИМ

Шу кунларда дунё жамоатчилиги нигоҳи қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрига қаратилган. Қўхна кент ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига мезбонлик қилмоқда.

Президентимиз Бош конференция очилиш маросимидаги нутқида қайд этганидек, бутун геосиёсий кескинлик ва ҳарбий моҳорлар таъсирида сайёраимиздаги ноёб ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар ва бебаҳо маданий мерос катта зиён кўрмоқда. Зеро, инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган жаҳон номоддий маданий меросини сақлаб қолиш учун биргаликдаги сий-ҳаракатларни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ташкилот маданий мерос объектлари, номоддий меросни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, уни дунё халқларига намойиш этишда муҳим

ўрин эгаллайди. Хусусан, шашмақом, катта ашула, лази, аския, қулпочилик ва наққошлик санъатлари, Наврўз айёми, атлас ва адрас ишлаб чиқариш анъанаси каби йиғирмага яқин номоддий мерос намуналари дунё халқлари эътирофига сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари анжуманда жуда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, инклюзив таълимни ривожлантириш ва соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш борасидаги фикрлари халқро экспертлар, кент жамоатчилиги эътирофига сабаб бўлди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига таълим бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадларида тизимли йўлга қўйилган. Президентимиз энди бу амалиётни халқро миқёсда жорий этиш зарурлигини қайд этиб, жумладан, бундай деди: “Жисмоний ва ижтимоий хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиши учун тенг имкониятларини яратиб бериш жуда муҳимдир. Бу борада ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз”.

ГЛОБАЛ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ФАОЛИЯТИМИЗГА ЯНГИ НАФАС БАХШ ЭТАДИ

Самарқанд шаҳрида икки ҳафта давомида 200 га яқин давлатдан таширф буюрган 2800 дан зиёд вакил ЮНЕСКОнинг келгуши фаолиятини белгилаб берадиган янги таклиф ва ташаббусларни муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилади.



Ҳусан ТАНГРИЕВ,
Божхона қўмитасининг жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқалар бўлими бошлиғи

Сессия очилиш маросимида иштирок этган Президентимиз нутқини форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини ташкилотга аъзо давлатларнинг янги Ўзбекистондаги кенг қўллаш, жадал ислохотларга юксак ишончининг ёрқин ифодаси деб баҳолади.

Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг глобал мақсадларига эришиш ва кўп қиррали ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқувчи 20 га яқин ташаббусни илгари сурди. Моҳиятан мазкур ташаббуслар ЮНЕСКО учун янгиллик бўлса-да, уларнинг ҳар бири чиғирқидан ўтган, юртимизда бу борада муайян тажриба ортирилган. Содда қилиб айтганда, Президентимиз

синовдан ўтган ташаббусларни энди халқро жамоатчилик эътиборига ҳавола қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари геосиёсий кескинлик ва ҳарбий моҳорлар таъсирида сайёраимиздаги ноёб ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар ва бебаҳо маданий мерос катта зиён кўраётганини куйинчаклик билан таъкидлади. Аслида, маданий мерос ханишга асраб-авайлашга муҳтож. Яқинда Европанинг қок марказида — Луврдаги музейда содир этилган салкам 90 миллион евролик ўғирлик ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Яна бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2022 йилдан 2025 йилгича ўтган даврига қадар божхоначиларимиз 12 мингга яқин маданий бойликлар ноқонуний равишда олиб чиқиб ўтишлининг олдини олди. Демак, Президентимиз маърузаси ва ЮНЕСКОнинг Самарқанд сессияси божхона ходимларининг маданий бойликларни асраб-авайлаш борасидаги сий-ҳаракатларини янада руҳлантиради, зимамиздаги масъулиятини оширади.

Шунингдек, нутқда “сунъий интеллект” тушунчаси бир неча бор янгради. Жумладан, ушбу нутқини ташкилот шашфелигида барча қитъанинг етакчи олийгоҳлари, педагогика ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирокида Сунъий интеллект этикаси бўйича халқро экспертлар анжуманини ўтказиш таклифи этиди.

Бир неча кун олдин Божхона қўмитасининг Божхона институтида илк бор божхона органларида сунъий интеллект истиқболларига бағишланган халқро конференция ўтказилди.



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг бугун энг муҳим масалалардан бири бўлган иқлим инқирозига қарши биргаликда курашиш борасидаги таклифи ҳам ғоят муҳим. Анжуманда билдирилган барча ташаббуслар ҳар доимгидек долзарб.

Демак, институт жамоаси ҳам илгари сурилган таклифдан илҳомланиб, бу борадаги сий-ҳаракатларини янада фаоллаштиради.

Дарвоқе, Президентимиз фармони билан жорий йил март ойида Божхона қўмитаси раисининг айнан сунъий интеллект масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимни таъсис этилган.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасини божхона органларида хизмат қилаётган хотин-қизлар алоҳида иштиёқ билан қабул қилди. Айниқса, хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш ҳамда Самарқандда хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказиш ташаббуслари алоҳида эътирофга сазовор.

Божхона қўмитаси нафақат республикамиз, балки МДҲ минтақасида вазирилик ва ташкилотлар, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар орасида илк бор БМТ Тараққиёт дастурининг “Давлат маъсаладори” учун гендер тенглик нишонини дастурида иштирок этмоқда.

Бу, аввало, тизимда аёлларга эътибор тобора ортаётганини кўрсатади. Самарқандда илгари сурилган янги ташаббуслар эса божхона хотин-қизларнинг етакчилиги қобилияти ва компетенциясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Қисқаса, Самарқандда халқро жамоатчиликка тақдим этилган ташаббуслар ҳар биримизни ундан илҳомланиб, келгуси ҳаракатларимизни аниқ ва тўғри белгилашга хизмат қилади.

САМАРҚАНДНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ РУҲИ

ЮНЕСКО ТАМОЙИЛЛАРИГА ТЎЛИҚ МОС КЕЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Алекс МАТЕРССОН,
Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-маданий ва иқтисодий жараёнларни ўргатуви швейцариялик эксперт ва бизнес стратег:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКО Бош конференциясининг қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий 43-сессияси очилиши маросимидаги нутқи стратегик қарашлари ва халқро ҳамжамиятга замонавий дунёда цивилизациялар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти ҳақида илҳомлантирувчи хабари билан ажралиб турди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон етакчиси замонавий дунёда халқро ҳамкорлик ва барқарор ривожланишни мустақамлашда маданият, таълим ва фаннинг ролини чуқур тушунган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд ташаббуслари тарихий ва маданий меросни сақлаш, ёшлар салоҳиятини ривожлантириш ва халқлар ўртасида ўзаро ҳурматни ривожлантириш бўйича асосий ғояларни ўзида муҷассам этган ҳолда глобал миқёсда маданий ва илмий дипломатиянинг ролини кучайтиришга қаратилган. Ушбу ташаббуслар, шунингдек, Самарқанднинг ноёб цивилизация меросини — дунёлар чорраҳасини ўзида муҷассам этган бўлиб, бу ЮНЕСКО миссиясига тўлиқ мос келади.

Бош конференциянинг ушбу тарихий сессиясини Самарқандда ўтказиш Ўзбекистоннинг глобал гуманитар ташаббусларнинг фаол иштирокчиси сифатидаги халқро мавқеини янада мустақамлашга катта ҳисса қўшади.

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқида илҳомландим. Унинг сўзлари шунчаки сиёсий баёнотдан кўра кўпроқ, балки гуманизм, фан ва таълимнинг илҳомлантирувчи қаҳирик бўлиб туюлди.

Конференциянинг тарих, маданият ва билим даврлар жонли мулоқотида бирлашадиган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани раъмзий маънога эга. Бу ерда ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик ғоялари нафақат муҳокама қилинади, балки амалда ҳам қўлланиладиган глобал цивилизация нафаси чинаямига сезилади.

Инклюзив таълимни ривожлантириш, фан ва маданият соҳасидаги етакчи аёлларни қўллаб-қувватлаш, номоддий меросни сақлаш ва сунъий интеллект ахлоқини тушунишга қаратилган ташаббуслар ҳам муҳим. Бу соҳалар замонавий илмий тенденциялар билан уйғунлашади ва ЮНЕСКОнинг асл руҳини — технология ва инсониятни, инновация ва анъаналарни бирлаштириш истагини акс эттиради.

ЮНЕСКОнинг Аёллар лидерлиги академияси ва Рақамли мерос бўйича халқро институтини ташкил этиш таклифи ҳам жуда долзарб. Бундай ташаббуслар илм-фан нафақат билим воситаси, балки маданиятлар ва халқлар ўртасидаги кўприк бўлган янги авлод тадқиқотчилари ва ўқитувчилари учун замин яратди.

Испания Шарқ ва Ғарб цивилизациялари аслрлар давомида бир-бирини илҳомлантирган ҳамда бойитган мамлакатдир. Шунинг учун Ўзбекистон раҳбари нутқида ифодаланган ғоялар менда чуқур акс садо беради. Унинг сўзлари тарихий тажрибанинг донолигини ва илм-фан, маданият ва таълим халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг пойдеворига айланган келажакка қарашни ифодалайди.

Ишончим комилки, Самарқанд конференцияси глобал ҳамкорлиқни ривожлантиришда бурилиш нуқтаси бўлади ва “Самарқанд руҳи” интеллектуал ва янги маданий Уйғоғини даврига пойдевор қўяди.

Хун МУЧИН,
Шанхай креатив иқтисодиёт уюшмаси директори ўринбасари, Шанхай санъат коллекциялари музейи директори:

— Таълим, фан ва маданият соҳасида қарорлар қабул қилишининг асосий глобал платформаси бўлган ЮНЕСКО Бош конференциясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор чуқур раъмзий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу шунчаки жойининг ўзгариши эмас, балки Марказий Осиёнинг ўсиб бораётган таъсирини идрок этиш ва тан олишининг глобал маданий моделини қайта кўриб чиқиш белгисидир.

Ўзбекистон учун форумга мезбонлик қилиш унинг маданий меросни ҳимоя қилиш, таълим тизимини ривожлантириш ва ҳамкорликни кучайтиришдаги ютуқларини халқро миқёсда тан олиш акти бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ёдгорликларни тиклаш ва маданий жойларни рақамлаштиришни қамраб олган кенг қўллаш ташаббуслари Самарқанд, Бухоро ва Хива каби дурдоналарга янги ҳаёт бағишлади.

Ўзбекистон маданий меросини замонавий иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга мақсадли равишда интеграциялаштиришда, уни ривожланиш ресурсига айлантиришда. Самарқандда “Боқий шаҳар” каби маданий мажмуа яратилиши бунинг яққол намунаси бўлди. Ушбу лойиҳа анъанавий мейморий шакллари замонавий инфратузилма талаблари билан муваффақиятли бирлаштириб, нафақат сайёҳларни ўзига жалб қилувчи, балки халқро конференциялар ва илмий алмашинувлар учун жой бўлиб хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, замон биздан ЮНЕСКОнинг глобал мақсадларига эришишимизни ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу фикрларда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, анъаналар ва инновацияларни уйғунлаштирган аниқ таклифларда муқаммал акс этган.

Келажакка эътибор қаратган ҳолда Тошкент ҳамкорлиқини янги босқичга кўтаришни таклиф қилмоқда, инклюзив таълимни ривожлантириш ва ЮНЕСКОнинг иқтисодлаштирилган платформасини яратиш, “Сунъий интеллект — мактаб” лойиҳасини амалга ошириш ва Касбий таълим бўйича жаҳон саммитини ўтказиш орқали сунъий интеллектнинг кенг жорий этилиши қўллаб-қувватламоқда.

Шу билан бирга, мамлакат меросини сақлашга содиқлигини кучайтиришда, Халқро ҳужжатли мерос кунини белгилаш ва Рақамли мерос халқро институтини яратишни таклиф қилмоқда. ЮНЕСКОнинг Аёллар етакчилиги академиясини ташкил этиш, ЮНЕСКОнинг Экологик пойтахт унвонини тарғиб қилиш ва Медиясаводхонлик стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуслари ҳам шунга ўхшаш кенг қамровли ёндашувни намойиш этади.

Мухтасар айтганда, Самарқанд тажрибаси ва ушбу конференцияда эълон қилинган ташаббуслар замонавий дунё барқарор ривожланиш мақсадларига эришиши учун зарур бўлган моделдир.

Юрий СИГОВ,
Россия давлат гуманитар университети нинг халқро алоқалар бўйича эксперти:

— Самарқанд ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳидан ташқарида кирк йилдан сўнг илк бор ўтказилаётган Бош конференциясига мезбонлик қилмоқда. Шу далилнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг ҳам минтақада, ҳам глобал миқёсда маданият, санъат ва таълимни ривожлантиришдаги роли ниҳоятда ошган халқро оёбўсидан далолат беради. Бош конференциянинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО ўзининг 80 йиллигини нишонлаётгани сўнгги йилларда таълим, фан, маданият, санъат ва ахборот соҳасидаги глобал ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро ишонч ва бирдамлик учун муҳим глобал институтига айланганини таъкидлади. Бу бутун дунё бўйлаб таълимни



ривожлантиришга катта эътибор қаратади ва турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида цивилизациялараро мулоқотни фаол равишда қўллаб-қувватлайди.

Президент ҳақли равишда Ўзбекистон ташаббуси билан “Хива жараёни: Марказий Осиёда халқро ҳамкорликни ривожлантириш” (2021) резолюцияси, Эрта боликликни парвариш қилиш ва таълим бўйича Тошкент декларацияси ва Халқро ахборотга универсал кириш кунини нишонлаш тўғрисидаги Тошкент декларацияси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлади.

Менимча, ЮНЕСКО Бош конференциясини Самарқандда ўтказиш Ўзбекистоннинг маданий ва таълим ташаббусларини ривожлантиришда ишончли шерик сифатидаги умумий имижини тарғиб қилишда, ҳам Самарқанднинг ўзи, ҳам республика салоҳиятини оширишда жуда муҳим роль ўйнайди. Ахир хорижий меҳмонлар нафақат расмий ухиршуварларда иштирок этадилар, балки янги Ўзбекистонни ўз кўзлари билан кўришади. Бу ҳар қандай расмий рекламадан кўра самаралроқ бўлади.

Тазин АХТАР,
“Pakistan in the World” газетаси муҳаррири:

— Халқро муносабатлар ва гуманитар ҳамкорлик бўйича покстонлик мутахассис сифатида мен Ўзбекистон Президентининг ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқидан чуқур таассурот олдим.

Аввало, қадимий Самарқанд форум ўтказиладиган жой сифатида ажойиб танланган. Бу нафақат ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатида киритилган шаҳар, балки цивилизацияларнинг тирик энциклопедияси, илм-фан, санъат ва гуманизм бешиги.

Ўзбекистон Президенти ҳақли равишда таъкидлаганидек, Бош конференция 40 йилдан кейин биринчи марта ЮНЕСКО қароргоҳидан ташқарида ўтказилмоқда ва унинг Самарқандда ўтказилиши халқро ҳамжамиятнинг замонавий Ўзбекистоннинг ислохотлари ҳамда очкилигига ишончининг кучли раъмзига айланди.



Давлатингиз етакчиси ўз нутқида замонавий дунё дуч келаётган энг долзарб муаммоларга, жумладан, халқро консенсус механизмларининг заифлашиши, турли моҳорлар туфайли маданий ёдгорликларнинг вайрон бўлиши ҳамда билим ва технологияларга киришда тенгсизлик кучайиб бораётганига тўхталди. Бу сўзлар, айниқса, давом этаётган гуманитар инқирозлар фониди жуда долзарб эди. Президент Шавкат Мирзиёев нафақат муаммоларни баён қилди, балки аниқ қадамларни ҳам таклиф этди — ЮНЕСКОнинг Инклюзив таълим платформасини яратишдан тортиб, Халқро рақамли мерос институтини ташкил этиш ташаббусига.

Нутқнинг таълим тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этишга бағишланган қисми, айниқса, таъсирли эди. “Сунъий интеллект — мактаб” лойиҳасини яратиш ва профессионал таълим бўйича жаҳон саммитини ўтказиш ғояси инсоният келажаги таълим ва технология компетенциялар билан шаклланишини тан олган раҳбарнинг стратегик тафаккурини намойиш этади.

Маданий меросга таъсир кўрсатаётган иқлим инқирозига жавобан глобал “ЮНЕСКО экологик пойтахти” ташаббусини амалга ошириш таклифи ҳам муҳимдир.

Президентнинг бағрикенглик ва ўзаро тушуниш тамойилларини илгари суриш бўйича ташаббуси, шунингдек, Ўзбекистон илмий марказлари — Имом Бухорий, Имом Мотуридидий, Имом Термизий ва бошқалар салоҳиятидан ислом ҳақидаги нотўғри тасавуurlарга қарши курашиш учун фойдаланишга қаҳири алоҳида эътиборга лойиқ. Бундай ёндашув Лоқистоннинг маданиятлараро мулоқотни мустақамлаш ва муулмон жамоаларига нисбатан камситишга қарши доимий равишда курашиб келаётган позициясига мос келади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи форум иштирокчиларига шунчаки муружаат эмас, балки гуманизм, инновация ва глобал бирдамликни бирлаштирган концептуал ҳаракатлар дастури бўлди. Бу Ўзбекистоннинг халқро майдондаги интеллектуал ва ахлоқий ролининг ўсиб бораётганини намойиш этади.

Вусал ТАГИБАЙЛИ,
оъзарбайжонлик сиёсатшунос ва “hafta.az” электрон нашри муҳбири:

— Ташкилотнинг 80 йиллиги муносабати билан Самарқандда ЮНЕСКОнинг 43-Бош конференцияси ўтказилиши Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистоннинг халқро нуфузи орттиб бораётганининг яққол далилидир.

Ўзининг бой маданий мероси билан Ўзбекистон бутун дунёдан келган сайёҳлар учун севибли масканга айланди. Марказий Осиёнинг қадимий цивилизацияси изларини сақлаб қолган бу ажойиб мамлакат минтақа учун илм-фан ва маданият маркази бўлиб қолишга интилаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Бугунги тадбирнинг Ўзбекистон учун аҳамиятини бир неча жиҳатдан баҳолаш мумкин. Биринчидан, бу Ўзбекистоннинг сиёсий майдонда қўлга киритган глобал мавқеини акс эттиради. Мамлакатнинг давом этаётган ислохотлари ва дунёга очкилик сиёсати халқро ҳамжамият эътиборидан четда қолмади.

Иккинчидан, бу минтақа тарихидаги энг йирик конференция. Бундай халқро тадбирлар минтақага қизиқш орттишга ва хорижий инвестиция оқимиға ҳисса қўшади.

Учинчидан, глобал ташкилот бўлган ЮНЕСКОнинг 40 йилдан сўнг биринчи бор Париждан ташқарида, айнан Самарқандда ўз конференциясини ўтказиётгани шаҳарнинг ривожланиётган маданий марказ эканидан далолат беради.

Менимча, ЮНЕСКО Бош конференциясини Самарқандда ўтказиш Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти учун шубҳасиз муваффақият бўлиб, халқро ҳамжамиятга мамлакат маданиятини, турмуш тарзи ва сиёсий ва иқтисодий ютуқлари билан кўпроқ танишиш имконини беради.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

НЕГА ТАДБИРКОРЛИК АСОСИЙ ТАЯНЧ СИФАТИДА ТАНЛАБ ОЛИНДИ?

Бошланиши 1-бетда

2020 йилда давлатимиз раҳбари бу масалани кун тартибига олиб чиқди ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун мутасаддилар олдига кечиктириб бўлмас вазифалар қўйди. Шундан сўнг узок йиллар ошкор этилмаган рақамлар айтилди. Юртимизда биринчи марта камбағаллик кўрсаткичи эълон қилинганни кўпчилик учун қутилмаган воқеа бўлди. Аввал ҳайрат билан қабул қилинган ушбу рақам ва тахлиллар кейинроқ амалий ташабусларга айланди. Камбағаллар сонини камайтиришга эътибор кучайди. Махсус дастурлар қабул қилиниб, алоҳида тизим яратилди. Камбағалликка қарши қатъий кураш бошланди. Натижада 2022 йил якунларига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга камайишига эришилди.

Бу рақам бутунга келиб янада қисқарди. 2024 йилда мазкур кўрсаткич 8,9 фоизга туширилди. Жорий йил якунигача камбағаллик даражасини 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шу йил 17 сентябрь кuni давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми очилиш маросимидаги нутқда бу йўналишда эришилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб, “Бундай кенг қўламли савй-ҳаракатларимиз ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни 2 қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини баврақт бажаришга ҳаракат қилапти. Шулари инноватга олиб, бутун янги, янада юқори маррани белгилаб олишга тайёриймиз. 2030 йилга бориб, халқаро мезонларга кўра, Ўзбекистонда мутлақ камбағалликка тўлиқ барҳам беришга барча имкониятимиз бор ва биз буни, албатта, уйдalayимиз”, дея таякидлади.

Мазкур натижаларга, албатта, иқтисодий фаровонлик орқали эришилмоқда. Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсгани бунда муҳим омил бўлди. Шу йил якуни билан аҳоли жон бошига қадарда 3500 долларга етиши кутилмоқда. Қисқа муддатда янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича янги Ўзбекистон модели яратилди.

Оқар сув ҳамма жойни обод қилади

Хўш, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон модели қандай яратилди? Халқаро экспертлар, йирик тузилмалар ва давлатлар эътироф этаётган ўзига хос бу тажрибанинг муҳияти нимада?

Аввалгига Хитой тажрибаси асосида бошланган бу ишлар бутунга келиб миллий ҳаракатга айланиши рост. Бунда энг асосий жиҳат камбағалликни қозғаша эмас, амалда қисқартириш бўйича бор имкониятлар сафарбар этилгани ва бу ҳар бир ҳудуд, маҳалла, хонадонга кириб бораётганида кўринади. Юртимиз бўйлаб, аввало, қийналган оилалар рўйхати, турли тоифадаги дафтарлар тузилган бўлса, кейинчалик маҳаллаларнинг драйвери, лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизими, одамларни олдин иш билан таъминлаб, кейин бой қилиш бўйича илгор амалиёт шакллантирилди.

Умуман, камбағалликни қисқартиришда танлаб олинган йўналишлар кўп эди. Шулардан бири ҳамда энг асосийси — кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли орасида тадбиркорликни

ривожлантириш этиб белгиланди. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига чиқиб, ўтган йиллар давомида бу йўналиш иқтисодиётнинг драйверига айланди.

Юртимизда камбағалликни қисқартиришда айнан тадбиркорликка ургу берилгани халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Бойси, ҳар бир ишбилармон ўзи даромад манбаига эга бўлиш баробарида фаолиятини кенгайтириб, кўпроқ иш ўрни очади. Яъни давлат бизнесга шароит яратиб берапти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишла ва даромадли қилишда кўмаки бўлмоқда. Шундай самарали ҳамкорлик туфайли жорий йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишла бўлган. Учинчи муҳим жиҳати эса, тадбиркорлар ҳудудлар ва иқтисодиёт ривожига муҳим локомотив вазифасини ўтамоқда.

Шу боис, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг дастлабки давридаёқ аҳоли орасида ишбилармонлик қобилиятини ошириш бўйича қатор дастурлар ишга туширилди. Аммо тадбиркор бўлиш оддий одам у ёқда турсин, маблагга эга кишилар учун ҳам осон эмас. Бундай вазиятда давлат одамларни ҳам бизнесга ўқитиш, ҳам қизиққан соҳасига йўналиштириш, ҳам молиявий кўмаклашиш вазифасини зиммасига олди. Одамларда эса ана шу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, меҳнат ва ҳаракат қилиш қолганди.

Оилаларнинг ўз хонадонида бизнес қилиб, даромад топиши учун шароит, имкониятлар яратилиб, имтиёзли маблағлар ажратилди. Натижада ўта камбағал шароитга тушиб қолган, ҳар қандай ёрдамдан умидини узган минглаб оилаларда ишонч пайдо бўлди. Бугун уларнинг аксарияти доимий даромад манбаига эга, ўзи ва оиласидан ташқари қўшимча иш ўринлари очаётган тадбиркорларга айланди.

— Меҳнат ҳам, интилиш ҳам шароит яратилган жойда бўлади. Оддий одамлар учун бирор даромадли иш бошлаш осон эмас. Ўзига яраша маблаг, ер, бино, хомашё ва ҳоказо керак, — дейди Навоий вилояти Хатирчи тумани Зарафшон маҳалласида яшовчи Хусния Раззоқова. — Бугун ана шу имкониятларнинг барчаси берилган. Яқин йилларгача қийналган оилалар учун тадбиркорлик этиб бўлмас орзу эди. Шу боис, қора иш топса ҳам шукр қиларди. Бугун эса энг чекка ҳудудларда ҳам ўз касб-кори, бизнеси билан рўзгорига даромад топаётган, юрт равнақиға хисса қўшаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўзим қанча ночор оилаларни биламан: имтиёзли кредит ҳисобидан иш бошлаб, ҳозир иш ўринлари очяпти. Авваллари асосан деҳқончилик, чорвачилик ортидан кун кўрганмиз. Топганимиз рўзгорига базур етарди. Бугун маҳалламиздаги аксарият оилалар балиқчилик қилиб, қўшимча даромад топяпти, тадбиркорга айланган. Тўғри, олдин ҳам одамлар балиқ боқишни билган, лекин бунинг учун имконият, маблаг бўлмаган.

Маҳалламиздаги ўрмон хўжалигига тегишли ташландиқ жойда балиқ етиштиришга имконият беришди. Имтиёзли кредит ҳисобидан ишни бир ҳовузга чавақ ташлашдан бошладим. Ҳозир 5 та ҳовузда балиқ етиштириб, бозорга тонналаб маҳсулот етказиб бераман. Беш кишини иш билан таъминладим. Шунинг ортидан яхши даромад топяптим. Ёшим 70 дан ошганига қарамай, шижоатим баланд. Бундай шароитлар яратилган вақтда фақат ҳаракат қилиш керак. Кўлмак сувдан фойда йўқ, оқар сув бўлиш лозим. Оқар сув ҳамма жойни обод қилади.



Ҳудудлар тажрибаси — ноёб амалиёт

Касбимиз тақозосига кўра қўллаб-қувватлаш дастурларида бўламиз. Қўзғатувимизга кўра, одамларнинг бизнес қилишга иштиёқи баланд, бунга қобилияти ҳам етарли. Бири уйда чеварлик, бошқаси хунармандлик, яна бири ишлаб чиқариш билан шуғулланыпти. Аксарият оилалар эса томорқадан унумли фойдаланиб, йил — ўн икки ой даромад топмоқда. Уларни бунга рағбатлантираётган омил эса шароит, имконият ва имтиёзлардир.

Аввалроқ ижтимоий дафтарлардан берида турган, шароити оғир, имконияти чекланган бу одамлар кичик туртки, моддий ёрдам, алоҳида эътибор сабаб энди камбағаллар рўйхатидан чиқиб, ўзи ва яқинлари бандлигини таъминламоқда. Бир марталик ижтимоий ёрдам эвазига кун кўрган-дан кўра, кичик бўлса-да бизнесига эгаллик уларнинг ўзига ҳам маъқул. Ахир мустақил ишига, доимий даромад манбаига эга бўлишни ким ҳам истамайди.

Юртимиздаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун етарли ресурс ажратилаётгани боиси шунда. Одамлар ўз хонадонига даромадга эга бўлиши учун имконият ва имтиёзлар яратиб бериляпти. Тўртта ҳудуд — Сайхунобод, Ёғжудовон, Уйчи ва Зарбдор тажрибаси оммалаштирилиб, шулар асосида аҳолига имтиёзли маблаг ажратилляпти. Биргина Сайхунобод тажрибаси мисолида айтсак, одамлар ҳаётига жуда тез кириб борган ушбу амалиёт кичик томорқа ортидан ҳам тадбиркорга айланиш мумкинлигини яққол исботлади.

Бугун сайхунободликларнинг аксарияти хонадонидagi томорқадан йилда бир неча маротаба ҳосил олиб, яхшигина даромад топяпти. Аймалар бугун бу қўшимча маблаг манбаига кирилган бўлса, бошқалар агро-тадбиркор даражасигача чиқа олди. Томорқа эгалари домонидан иссиқхона қурилиши учун олинган қарзлар ҳам ўз вақтида тўланаб, ҳатто айримлари муддатидан олдин сўндирилаётгани бунинг исботи.

— Томорқадagi тўрт сотих майдонга иссиқхона қургандим, — дейди Сайхунобод туманидаги Фаровон маҳалласида яшовчи Юсуф Мирзоев. — У ерга эртапишар помидор кўчати эдим. Уч марта ҳосилни йиғиштириб олганимдан сўнг иссиқхона учун сарфлаган маблағим қопланди. Шундан кейин ана бир неча марта ҳосил йиғиштириб олдим. Бундан ташқари, очик майдонга бўлгор қалампирни, гармдори, баклажон ҳам эдим. Маҳсулотларни ички бозорга чиқарамиз. Даромадимиз яхши.

“Олга бос” МФЙда яшовчи Умиджон Худойбердиев эса куз-қиш ойларида плёнка остида сабзи етиштиради. Халқ тилида бу “даугай усули” дейилади. Ердан бир неча метр баландликда плёнка тортилиб, ичида маҳсулот етиштирилади. Катта иссиқхонага нисбатан меҳнат ҳам, харажати ҳам кам бўлар экан. Аммо маҳсулот етиштириш ва пишиб етилиш вақти иссиқхонаники билан

бир хил, даланикидан эса бир ойча эрта етилиб, тайёр бўлади.

— Ҳовлимизда 10 сотих томорқа бор. Шундан 4 сотихидagi кичик иссиқхонада сабзи етиштирамиз, — дейди Умиджон Худойбердиев. — Аввал иссиқхона майдони кичикроқ эди, Сайхунобод тажрибаси йўлга қўйилганидан кейин банкдан кредит олиб, янада кенгайтердик. Шу жойнинг ўзидан йилда икки марта ҳосил олам. Май ойи охириларда сабзини йиғиштириб олгач, маккажўҳори экамиз. Томорқанинг очик ер майдонида баҳорга яқин картошка экилади. Хуллас, томорқадан йил давомида даромад оламиз.



Энг катта кўмак аҳоли бандлигини таъминлашда

Жаҳон амалиётида ишсизлик камбағалликнинг асосий омилларидан бири сифатида тилга олинади. Жамиятда ишсиз қатлам қанча кўп бўлса, камбағаллар сони шунча ортади. Ўша ҳудудда ривожланиш ҳам, тараққиёт ҳам сезилмайди. Бундай вазиятда одамлар ёки ночорликка қўниқиб яшайди ёки иш излаб хорижга чиқиб кетади. Мамлакатимиз аҳолисининг бир қисми яқин йилларгача мигрант сифатида чет элда меҳнат қилгани бунга мисолдир.

Юртимизда тадбиркорлар сафи кенгайгани сари турили тармоқларда бўш иш ўринлари вуҷудга кела бошлади. Уларга, аввало, камбағал оилалар аъзолари, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли жалб этилди. Кам таъминланган оилалар аъзоларини ишли қилган бизнес эгаларига эса давлат имтиёзлар берапти. Бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмлар кўпайтирилиши ҳисобига ўтган йилларда 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайиб, 2,2 миллиондан 3 миллионга етди. Маълумотларга кўра, 273 мингта корхона иш ҳақи фондини 22 фоизга ёки 4,6 триллион сўмга оширди. Ўтган йили хусусий секторда ўртача ойлик 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугун 5 миллион сўмга яқинлашди.

Ҳозир тадбиркорлар ҳақида гап кетса, атрофимиздаги ўнлаб, юзлаб инсонларни бемалол санаб берамиз. Чуноки улар аввалгидек яширинча ва қўрқиб эмас, балки очик-ошқора, бевосита давлат кўмагида, қўллаб-қўлланганидан фойдаланган ҳолда меҳнат қилапти. Иқтисодиёт тармоқлари ривож, ҳудудлар тараққиёти, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири — камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшмоқда.

— Бугун корхонамизнинг саноат йўналишида 120 дан ортиқ киши ишляпти, — дейди самарқандлик тадбиркор Анвар Норбоев. — Корхонамизда учта лойиҳани амалга оширдик. Булар — энергетикамкор трансформаторлар, электр тармоқларининг авариясиз ишляши учун зарур бўлган замонавий вакуумли ажраткичлар ҳамда ўлчов трансформаторлар ишлаб чиқариш лойиҳалари. Заводларимиз юқори қувватда ишлаб турибди. Маҳсулотларимизга хориж бозорига ҳам талаб катта. Олдимиздаги асосий вазифа кўпроқ одамни иш билан таъминлашдан иборат. Жорий йил охирига қадар мамлакатимизда 5 миллион 200 минг иш ўрни очилиш мақсад қилинган. Бунга биз ҳам ҳисса қўшишга тайёриймиз.

Тадбиркорларимиз орасида минглаб иш ўринлари очаётганлар ҳам бор. Давлатимиз раҳбари уларни “чемпион” тадбиркорлар деб атагани бежиз эмас. Аксарияти ишчилари 5000 дан зиёд, йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган бизнес эгалари. Бундай ишбилармонлар йирик ишлаб чиқариш корхоналарида миллий бренддаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида қанчадан қанча оилаларнинг даромадли бўлиши, фаровон яшашига ҳисса қўяпти. Тармоқлар ривож, замонавий йўналишлар тараққиёти, аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи ошишида бевосита иштирок этмоқда.

Саноат инкүлобининг фаол иштирокчилари

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг учинчи муҳим омили саноат тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ. Гап шундаки, тадбиркорлик субъектлари барча соҳага кириб бора экан, ўша йўналишда саноат ривожланиб, ишлаб чиқариш қуввати ошади. Биргина тўқимачилик саноати — бунга яққол мисол. Бундан тўққиз йил олдин мамлакатимиз фақат пахта хомашёсини экспорт қилган бўлса, бугун ҳам бозорини забт этапти.

Саноат тармоқларидаги ўсиш кўрсаткичи бевосита иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Дунёдаги мураккаб геосиёсий вазиятга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти кейинги йилларда доимий муттасил ўсиб бораётгани замирида шу омиллар муҳассам. Жорий йил биринчи ярим йиллигида ҳам иқтисодиёти-миз 7,2 фоиз ўсгани қайд этилди.

Шу йилнинг 20 август кuni давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашуваги нутқид

“Адолатли ҳакам бўлса айтсин, ўтган саккиз йилда қаттиқ меҳнат ва машаққатлар билан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларини йўқдан бор қилдик. Эътибор беринг, бу даврда турли соҳаларга 230 миллиард доллар инвестиция кириб келди, шундан 120 миллиарддан ортиғи — хорижий сармоя. Бир қарашда айтишга осон бўлган ушбу рақамни олдинлари ҳисоб-китоб қилиш тугул тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Лекин биз буни уйдalayдик. Бу ютуқларимизнинг барчаси — сизлар билан биргаликда қилган машаққатли меҳнатимиз маҳсули, албатта”, деди.

Давлат раҳбари етакчилигида бошланган саноат инкүлоби мамлакатда янги завод ва фабрикалар иш бошлаши, йирик инфратузилма лойиҳалари йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Бу жараён миллионлаб иш ўринлари очилишига замин яратди. Натижада камбағаллик муаммосини ҳал этишда саноат тараққиёти ҳал қилувчи кучга айланыпти. Ўтган даврда минглаб микро ва кичик корхоналар қисқа муддатда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, катта-катта компаниялар билан рақобатлаша бошлади. Масалан, 1600 та микро корхона бир йилда пўл айланмасини 10 миллиард сўмдан ошириб, бирдан ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қаддам сакраб, йирик бизнес сафига қўшилиди.

Саноат корхоналари ва зоналари пайдо бўлаётган жойларда эса ҳудуд инфратузилмаси яхшиланиб, манзиллар янада обод қилиняпти. Мақсад — тадбиркорлик ривожини учун зарур шароит яратиш.

Масалан, Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани Бешқўрган ва Тирсақобод маҳаллалари ҳудудида жойлашган саноат зонаси аввалдан бўлганига қарамай, тартибсиз эгалаб олинган ерларда инфратузилма ва бошқа масалаларда қўллаб-қўлланган мавжуд эди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 июлдаги тегишли қарори билан саноат ҳудуди янгидан ташкил этилиб, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси тўлиқ яхшиланди. Ҳозир бу манзилга равон йўллар қилиб боради, тунда ҳам чиқоқлар ҳудудни ёритиб, нурафон қилади, бир қарашда саноат шаҳарчасига айланган.

— Илгари ҳудудда йўллар жуда ёмон эди, ҳеч ким келишни истамасди. Ҳозир ҳар кунги ҳамкорлар, харидорлар келади, — дейди “BFB Group” компанияси раҳбари Фикрат Мадиев. — Охириги бир йилда электр токи умуман ўчмади. Тадбиркорлар янада фаол ишлаб, ривожланиши учун керакли шароит яратиб беришди. Бунинг эвазига саноат ҳудудида янги корхоналар кўпаяди, улар орқали туманда қўшимча иш ўринлари, солиқ тўловчилар пайдо бўлади. Бу иқтисодий фаровонлиқнинг ўсишига олиб келади.

Корхонамизда 40 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон бозорига доим мўқобили йўқ товарлар билан янгилик олиб киришга ҳаракат қиламиз. Кўплаб маҳсулотларимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам мўқобили йўқ. Масалан, алюминдан ясалган бассейн қопламаси фақат бизда ишлаб чиқарилади. Алюмин қопламали автоматик очиб-ёпиладиган биоқўлимли айвоннинг ҳам хозирча юртимизда мўқобили йўқ. Бугун маҳсулотларимизни Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қиляптимиз.

Биргина тадбиркорликнинг юртимиздаги камбағалликни қисқартиришдаги аҳамияти ҳақида айтса бўладиган гаплар ҳали кўп. Юртдошларимизнинг ўзи ҳам бунга фаолиятда, турмушда амин бўлар экан, изоҳлар, мисолларимизни янада бойитиш мумкин.

Асосийси ўтган йили мамлакатимизда камбағаллик кўрсаткичи 8,9 фоизгача тушгани катта натижа ва буни Жаҳон банки иқтисодчилари ҳам эътироф этмоқда. Халқаро тахлилчилар фикрича, энг аввало, оилалар даромади ўсиши, иш ҳақи оширилиши юртимизда камбағалликни камайтиришнинг асосий омили бўлди.

Ўтган йили ноябрдан Ўзбекистон камбағалликка қарши курашда янги босқични бошлади ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилинди. Унда ижтимоий хизматларни кенгайтириш, 5 миллион 200 минг иш ўрни очилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу орқали жорий йил якунига қадар юртимизда камбағаллик даражасини 6 фоизга тушириш кўзаланган. Ушбу натижаларга эришишда эса тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармон оилалар сафини кенгайтириш бош омиллардан бирига айланади.



Маҳалламизда кўп йиллардан бери бўш турган бино ва унга туташ майдонда шу кунларда таъмирлаш-тиклаш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Иншоотнинг яроқсиз ҳолга келган қисми бузиб ташланди. Бир қисми қайта тикланиб, замонавий қиёфага келтирилди. Маҳалла фаолларининг айтишича, бу ерда трансформатор ишлаб чиқариладиган кичик корхона ишга туширилади. Албатта, бу маҳалла аҳлини қувонтирди. Чунки янги корхона очилса, муқим иш жойлари вужудга келади. Шу тариқа ишсизлар ишли, даромадли бўлади.

ФАЙЗУ ТАРОВАТ, ОБОДЛИК ФУРСАТИ

ЭЗГУ ИШЛАРГА БАРЧАМИЗ КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Янги ташкил этиладиган корхона экологик мувозанат барқарорлигига таҳдид туғдирмайдими? Қурилиш жараёнида тева-рак-атрофда ўсиб турган дарахтларга шикаст етмайдими? Корхонанинг ишлаб чиқариш чиқиндиларини ушлаб қолиш тизими бугун-нинг талабларига жавоб берадими? Табиат софлигини сақлаш учун яшил белбоғ барпо этиладими? Янги қурилатган корхона ёни-дан ҳар кун ўтиб-қайтар эканман, шу каби саволлар хаёлимда чарх уради.

Бугун бундай муаммолар бутун инсониятни ўйлантираётгани бор гап. Зеро, ўтган асрларда дунё миқёсида саноатни ривожлан-тириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда табиий мувозанатни сақлаш билан боғлиқ ана шундай муҳим тамойиллар эътиборга олинмагани тўғрисида сайёрамизда экологик вазият танг аҳволга келиб қолди. Натижада глобал иқлим ўзгариши инсон ҳаёти ва са-ломатлиги, жамиятнинг иқтисодий ривожига жиддий таъсир этяпти. Аномал иссиқ ва қургоқчилик таъсирида тез-тез рўй бераёт-ган чанг-тўзонлар табиий мувозанатни издан чиқаряпти. Ўрмон ёнғинлари, сув тошқинла-ри ва бошқа табиий офатлар бу жараёни янада жаддалаштирмоқда.

Бу каби экологик муаммолар минтақамиз ва мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ўтган асрларда табиатга бепасанд муно-сабатда бўлигани тўғрисида сайёрамиздаги катта сув манбаларидан бири — Орол денти-зи қуриди. Минтақамизда чўлланиш тобора кучаймоқда. Тупроқ деградацияси, тоза сув манбалари камайиши каби омиллар тараққи-ётга жиддий таъсир этяпти. Бугун тез-тез рўй бераётган кучли шамол, унинг таъсири-да келиб чиқаётган чанг-тўзон ҳодисалари табиатга нисбатан ана шундай бепасанд му-носабатга ўзига хос жавоб бўлмоқда.

Инсониятнинг эртанги тақдири айнан ана шундай ўткир масалалар оқилона ҳал эти-лишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланиш-га тўсиқ бўлаётган бундай глобал экологик муаммоларнинг инсон ҳаёти ва жамият ри-вожига салбий таъсирини камайтириш чора-ларини излаётган.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақса-ди — экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурс тежамкорли-гига асосланган “яшил” ривожланиш мо-деллига ўтишдир. Шу мақсадда жорий йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисоди-ёт” йили деб эълон қилинди ва шу асосда давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оши-риляпти.

Бу борадаги изчил чора-тадбирлар нати-жасида сўнгги йилларда Орол дегизининг қуриган тубидаги 2 миллион гектар майдон-да шўрға чидамли чўл ўсимликлари экилди. 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоизда яшил қоплама ҳосил қилиш режалаштирил-ган.

Минтақада ҳаво ҳарорати жадал оши-шининг олдини олишда ҳавога иссиқхона гази чиқарилишини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда углерод нейтраллигига эришиш бўйича қўрилатган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар натижасида табиатга чиқаётган бундай ташламалар миқ-дорини 35 фоиз камайтириш режа қилинган.

Бу борада “яшил” энергетика улушини ошириш ҳам муҳим қадамлардан биридир. Юртимизда сўнгги йилларда бу йўналишда ҳа-ётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида бугунга келиб, мамлакатимиздаги

умумий генерациянинг 23 фоизини яшил энер-гия ташкил этмоқда. “Яшил” энергия ҳисоби-дан 2 миллиард 730 миллион куб метр табиий газ тежади. Атмосферага 4 миллион тонна зарарли модда ташланишининг олди олинди. Албатта, бу юртимиз ва минтақамизда эколо-гик муҳит мусавволигини таъминлаш йўли-даги муҳим ютуқдир.

Белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш билан боғлиқ 3792 та ҳолат аниқланди

Шу билан бирга, ҳали бу жабҳада қилина-диган ишлар ҳам кўп. Зеро, экологик муҳит софлигини таъминлаш ва табиий мувозан-атни сақлашга эришиш доимий эътибор ва узулсиз саъй-ҳаракатларни талаб этади. Бу борада ҳудудларда тозалик, ободонлашти-риш ва кўкаламзорлаштириш ишларини самарали ташкил этиш, ушбу тадбирларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш лозим. Шунингдек, бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёйган қурилиш ишларида ҳам те-варак-атрофга чанг ва чиқинди чиқиндининг олдини олиш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Албатта, ҳамма жойда ҳам ишлар талаб даражасида деб бўлмайди. Бир қатор ҳудуд-ларда тозалик, озодалик ҳолати қониқарли эмас. Қолаверса, ҳаво софлигини сақлашда муҳим маъна бўлган яшил бойлик — дарахтлар ноқонуний кесилишининг олдини олиш, дарахт экиш ва янги экилган ниҳоллар

хиёбонини тартибга келтириш, доимо озода тутиши шартлиги қайд этилди.

Жойларда узулсиз ишлайдиган брига-далар ташкил қилиниб, кўча, хонадон, кўп қаватли уй, ижтимоий объектлар атрофини тозалаш вазифаси топширилди. “Тоza ҳудуд” корхоналарига қарашли махсус техникалар ҳам бунга тўлиқ сафарбар қилиниши белги-ланди.

Шу кунларда мазкур ойлик доирасида барча ҳудудда қизгин ишлар бажарилляпти. Жумладан, пойтахтимизда “Тоza ҳудуд” ва “Тоza пойтахт” лойиҳалари доирасида мах-сус штаб иш бошлади.

Маҳаллаларнинг тозалик ва санитария ҳолатини яхшилаш, кўзги ҳазонрезги мавсу-мида чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида уюшқоқлик билан ишляпти. Маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, ижтимоий муассасалар ва корхоналар атрофи тозала-ниб, чиқиндилар ташиб кетилляпти. Сув йўли тозаланмоқда. Бу тадбирларга аҳолини кенг жалб этиш мақсадида тарғиботлар ўтказил-ляпти. Жумладан, турли тадбирлар, танлов-лар уюштирилляпти.

Наманган вилояти Уйчи туманида ҳам ойлик доирасидаги ишлар уюшқоқлик би-лан давом этмоқда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмиси туман бўлими маълумотига кўра, тумандаги 53 та маҳалла, мактаб ва давлат мактабгача таълим ташкилотлари, кўчалар ҳамда ховли-жойларда кенг кўламли тозалик ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Бу хайрли ташаббусга жавобан маҳалла фаоллари, ёшлар ва нурунийлар ташаббуси



униб-ўсиб кетишига эътибор ҳам кўнгилда-гидек деб бўлмайди. Ана шундай омиллар таъсирида “Яшил макон” умумийлиги дасту-ри доирасида бу йил баҳорда экилган кў-чатларнинг 27,5 миллион тупи қуриб қолди.

Боз устига ёнгарчилик кам бўлди. Куз-нинг иккинчи ойи тугаган бўлса-да, деярли ёнгарчилик бўлмади. Гидрометеоролог мутахассислар бу ҳолат яна давом этишини прогноз қилляпти. Натижада шундоқ ҳам танг экологик вазият янада мураккаблarmoқда. Ҳаводан чанг-ғубор аримаяпти. Шундай ва-зиятда экологик муҳит мусавволигини йўли-да саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш бугуннинг муҳим талабидир.

Шу йил 14 октябрь кунни маҳалла тизи-мини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеосектор йиғи-лишида Президентимиз бу масалаларга кенг омманинг эътиборини яна бир қарра қарат-ди.

Йиғилишда маҳалланинг озодалиги шу ерда яшаётган аҳоли, “маҳалла еттичилиги” ҳокимнинг “юзи” экани, шундай бўлса-да, айрим маҳаллалар, кўчалар, қурилишлар атрофи, ариқлар, хиёбонларда озодалик та-лабларига риоя этилмаётгани кўрсатиб ўтил-ди. Шу боис, бутун республикада тозалик ва озодалик ойлиги эълон қилинди. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими кўчаси, йўли, ариғи,

билан қабристонлар ва зиёратгоҳ ҳудуди тозаланмоқда, дарахтлар оқланиб, йўлаклар тартибга келтирилляпти. Бир қатор маҳалла-ларда саломатлик йўлакчалари барпо этил-моқда. Кам таъминланган оилаларнинг уй-жойи ҳомийлар кўмағида ҳашар йўли билан таъмирланыпти. Бу ишлар нафақат ҳудуд-нинг обод бўлиши, балки аҳоли ва ёшлар-да табиатга меҳр, экологик муҳит барқарор бўлишида масъулият ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ойлик доирасида Экология, атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ва-зирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган ва қатъий эко-логик назорат ўрнатилган. Жойларда рейд тадбирлари ўтказилляпти. Бу жараёнда белги-ланмаган жойларга чиқинди ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, тегиш-ли тартибда чора кўрилмоқда. Хусусан, 15 октябрдан 25 октябрга қадар белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш билан боғлиқ 3792 та ҳолат аниқланди ва ҳуқуқбузарларга қонуний чора кўрилди.

Ҳозир барча ҳудудда рейд тадбирлари давом эттирилмоқда. Қолаверса, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ўрнатилган онлайн кузатув камералари назорати ҳам қу-чайтирилган.

— Кўчат экиш, боғ барпо этиш ота-боболаримиздан бизга мерос эзгу қадрият, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмиси Навбахор тумани бўлими бош мутахассиси Азиз Жуманов. — Сўнгги йилларда бу анъ-аналаримизга эътибор кучайди. Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида аҳолининг фаоллиги ошмоқда. Бироқ катта меҳнат ва ҳаражат эвазига экилган ниҳолларни тўлиқ ундириш, қола-верса, дарахтларни парваришлаш, айниқса, уларнинг ноқонуний кесилишининг олдини олишда масъулиятсизлик, сусткашлик куза-тиляпти. Табиат эса бундай эътиборсизлик-ни асло кечирмайдми. Шу боис, табиат муҳо-фазаси йўлида барчамиз яқдил ва ҳамнафас бўлишимиз лозим.

Бу борада келажак авлодлар олдидаги бурчимизни бажаришимиз учун кенг имко-ниятлар яратилмоқда. Жумладан, энди агар “еттилик” ва маҳалла аҳолиси яшил ҳудуд барпо этиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб бериши белгиланди. Тасаввур қилинг, ҳар бир маҳаллада 10 сотихдан яшил ҳудуд бар-по этилса, ҳудудларимиз янада обод бўлади, файзли, сўлим, хушманзара гўшалар кўпая-ди. Бундан, аввало, ўзимиз манфаат кўра-миз.

Айни пайтда мамлакатимизда экологик муҳит барқарорлигини таъминлашга йўнал-тирилган ишлар тизимли асосда давом эт-моқда. Бу жараёнда саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш ва экологик соф ривожланиш ме-ханизмларини жорий этиш ҳам эътиборда. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат корхона-ларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуруламал бўлаётди. Қарорга му-вофиқ, атмосфера ҳавоси ифлосланиши мо-нитторинини амалга ошириш учун автомат-лашган кичик станциялар ўрнатилляпти.

Табиий атроф-муҳитни ифлослантйрувчи манбалар мониторингини сифатли юритиш учун экологияга таъсири бўйича I ва II тои-фаларга мансуб хўжалик юритувчи субъ-ектларга ҳавога чиқадиغان ташламаларни таҳлил қилувчи автоматик мониторинг стан-циялари ўрнатилди. Юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш қурилмалари ўрнатилиб, мавжудла-ри модернизация қилинмоқда. Санитар хи-моя ҳудудлари автоматик стационар кузатув постлари билан жиҳозланаётди.

Атроф-муҳитга салбий таъсири юқо-ри бўлган паст сифатли ёниги — АИ-80 бензинидан воз кечилган ҳаво софлигини таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди. Глобал ишга сабаб бўлаётган ифлослан-тирувчи манбалардан бири — кўмир ёқишни камайтириш чоралари кўриляпти.

Тоza хаво ташаббуси узулсиз саъй-ҳа-ракатларни талаб этидиган долзарб масаладир. Шунинг учун юртимизда бу борада салмоқ-ли ишлар тизимли бажарилмоқда. Хусусан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси би-лан “Автомобилсиз кун”, “Тоza ҳаво” ойлиги каби акциялар ўтказилмоқда.

Албатта, бу чора-тадбирларнинг барчаси юрт ободлигини таъминлаш, заминимизнинг ҳар бир гўшасини тоза-озода, файзли мас-канга айлантиришга хизмат қилмоқда. Зеро, буюк табиб Абду Али ибн Сино поклик, озо-даликнинг инсон ҳаётидаги юксак ўрнини алоҳида урғулаб, “Мен қолдириб кетаётган зўр табииларнинг биринчиси тозаликдир”, деб уқитган. Бундай муҳитни барпо этиш эса ҳар биримизнинг ҳаракатимиз, табиатга меҳр ва оқилона муносабатимизга боғлиқ.

Шу боис, айни кунларда юртимиз бўйлаб давом этаётган тозалик ва озодалик ойлиги-да барчанинг фаол иштироки айни муддао-дир. Бу билан ҳар биримиз ўзимиз яшаётган ҳудуд ободлиги ва бўзалигини таъминлашга кўмаклашган бўламиз. Қолаверса, табиатга меҳрли муносабатимиз орқали келажак ав-лодларга унумдор ер, зилол сув, мусавфо ҳавога эга гўзал Ватанини мерос қилиб қол-диришдек эзгу вазифаларга ҳисса қўшамиз.



Илм ва амалиёт уйғунлашганда

Тозалик, озодалик, табиат мусавволиги ҳақида гап борар экан, мазкур йўналишда юртимизда кўплаб хайрли ташаббуслар кенг қулоч ёзаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. “Яшил макон” умумийлиги ҳа-ракати шулардан бири. Ушбу лойиҳа Пре-зидентимиз ташаббуси билан 2021 йилда бошланган эди. Ўтган йилларда лойиҳа доирасида дарахт экиш, яшил ҳудудлар-ни кенгайтиришни умумийлиги ҳаракат-га айлантириш йўлида тизимли ишлар қилиняпти.

2021-2024 йилларда лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб 736 миллион туپ дарахт-бута кўчати ҳамда қаламчаси экилди. 452 та боғ, 254 та яшил жамоат парки ташкил этилди. Атроф-муҳитга таъсири хавфи юқо-ри бўлган йирик корхоналар ва уларга туташ ҳудудлар, чиқинди полигонлари, туманлар, шаҳарлар атрофида яшил белбоғлар барпо қилинмоқда. Нукус, Бухоро, Ўргач ва Тер-миз шаҳарлари атрофида “яшил қалқон”лар яратилди.

Албатта, экилган ҳар бир туپ ниҳолни парваришда сугориш тизимининг ўрни муҳим. Шу мақсадда 490 та қудуқ қазилиб, 3,5 минг километрли сугориш тармоқлари ётқизилди. Сув манбаси мавжуд бўлмаган ҳудудларга кўчатларни сугориш учун қарийб мингта махсус техника бириктирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу-гун сайёрамизда рўй бераётган глобал эко-логик муаммолар барча жабҳаларда бўлга-ни каби кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам янгича ёндашув ва мезонларни жорий этишни тақозо қилмоқда. Зеро, бундан бир неча йил олдин бу борада ишлаб чиқилган қоида ва мезонлар, шу билан бир қатор-да, ҳудудларни яшиллаштириш мақсадида танланган дарахт турларининг ҳаммаси ҳам бугунги мураккаб экологик шароитга тўла жавоб беради деб бўлмайди. Қолавер-са, бугун урбанизация жараёни чуқурла-шиб, шаҳар аҳолиси кўпаймоқда. Шу боис, яшил лойиҳаларни амалга оширишда шу жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш талаб этиляпти.

Одатда шаҳар дейилса, кўз олдимизда ос-монўпар оморатлар, асфальт ёки бетон қо-ламали рамон кўчалар, муҳташам иншоотлар гавдаланади. Аммо замонавий шаҳар қиё-фасини яратишда бундай омиллар қаторида яшил манзараларга ҳам эътибор кучаймоқда. Дунёнинг қатор сўлим шаҳарларига назар солсак, улар тоғлар ва яшиллик билан ўрал-ган, ўртақсидан дарё, сой ёки жилгалар оқиб ўтади. Бу шаҳарнинг ҳавоси тоза, иқлими мўътадил бўлишини таъминлайди. Юртимиз шаҳарсозлигида бу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилляпти. Пойтахтимизда қад рўстлаёт-ган Янги Тошкент ва ҳудудларда барпо эти-лаётган “Янги Ўзбекистон” массивларидаги бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари бунга мисол.

Бундай хайрли ишлар давомли бўлиши-да таълим ва илм-фан тизимидаги лойи-ҳаларнинг ҳам аҳамияти катта. Тошкент давлат аграр университети ана шундай илм-фан муассасаларидан. Мазкур таъ-лим даргоҳининг ўрмончилик ва ландшафт дизайни кафедраси mudiri, қишлоқ хўжа-лиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Мансур Холмуродовнинг айтиши-ча, олимларимиз бу борада таълим ва ил-мий-тажриба ишларида давлат ва халқаро ташкилотлар билан ақин ҳамкорликда ишлаётгани самара бермоқда. Универси-тетда малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга юртимизни кўкаламзорлаштириш ишларини самарали ташкил этишга оид қатор илмий лойиҳалар ҳам амалга оши-риляпти.

“Хусусан, яшил маконларни кенгайтиришга оид изланишларда ҳудудларнинг иқлим шароити ва қургоқчиликка чидамли, ҳаводаги чанг-ғубор ва зарарли моддаларни ушлаб қолишда юқори самара берадиган нав ва турлар синовдан ўтказилляпти.

Уруғчиликни ривожлантириш — илмий изланишларнинг яна бир муҳим йўнали-ши. Бу борада жаҳонда кўлланаётган илгор усуллар ҳам ўзлаштирилляпти. Масалан, ўсимликлар махсус контейнерларга экилиб, ундирилиб, илдири яхши ривожланади. Бош-қа жойга кўчириб ўтказилганда униб кети-ши эҳтимоли юқори бўлади. Университетда бундай илмий ишларни синовдан ўтказиш учун махсус ўқув-тажриба участкасида етар-ли шароит яратилган. Қолаверса, олимлар юртимиздаги ўрмон хўжаликлари мутахас-сислари билан ҳудудларда ҳам илмий изла-нишларни давом эттирмоқда.

Дарвоқе, маколани маҳалламизда қад рўстлаётган янги корхона ҳақидаги фикрлар билан бошланган эдик. Маҳалла раисининг айтишича, бу корхона янги йилгача ишга ту-шиши кутилляпти.

Ҳар кун шундай атрофдан ўтиб, қури-лиш-таъмирлаш ишларини кузатаман. Кеча ишдан қайтаётсам, кўчалар, ариқ бўйи тоза-ланиб, йўллар асфальтланибди, йўл четига янги кўчатлар ўтказилибди. Кечагина тўзиб ётган жой обод ва файзли манзилга айланга-нини кўриб, хурсанд бўлганимдан усталага раҳмат айтидим. Айтишларича, янги экилган ниҳоллар учун томчилаб сугориш тизими ҳам ўрнатилди. Демак, юртимизнинг барча ҳудудидagi каби маҳалламизда ҳам “яшил ривожланиш” тамойиллари изчил давом эта-ди. Бу ишларга барчамиз камарбаста бўлсак, ҳавомиз мусавво, сувимиз тоза бўлади, за-минимиз файз ва тароватга тўлади.

1000-2000 доллар маош олаётган таълимчилар

мамлакатимизда уларнинг сафи 60 мингдан ортди

Бугун аксарият ота-оналар фарзандини мактабдаги кўшимча дарслар, ўқув марказлари, онлайн курсларга жалб қилиб, бунинг учун сарфлаётган маблағига оғринмаяпти. Чунки таълимга тикилган инвестиция ҳеч қачон бефойда бўлмаслигини тушуниб етаети. Рости ҳам, билимга йўналтирилган сармоянинг натижаси аввал бир неча йилда кўринган бўлса, ҳозир уч ойдаёқ намоён бўлаётгани чин. Фанлар, тиллар бўйича сертификат олиб, олийгоҳларга имтиёзли равишда қабул қилинаётган ёшлар буни амалда кўрсатапти. Фарзандларимизга мукаммал билим бераётган маҳоратли муаллимлар сафи кенгайиши учун бутун бошли таълим тизимига давлат инвестиция киритяпти.

Президентимиз тўрт йил аввал бежиз “Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини хал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак. Очик айтиш лозим, биз бу заҳматкаш, фидойи инсонлар олдида ҳали қарздорим.

Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида минг долларга етказиш чоралари кўрилади”, демаганди. Бу гаплар бугун исботини топди. Ваҳоланки, жамиятнинг энг катта армияси — кўп сонли педагогларни юқори эмас, уртача ойлик маош билан таъминлаш осон эмас. Қарийб 600 мингга яқинлашётган ўқитувчига тўланадиган устамалар сони 3 дан 17 тага кўпайгани тизим ходимлари ойлик маоши учун ажратиладиган маблағни қарасинга ошириб юборди. Айни пайтда ўқитувчиларимизнинг қарийб 10 фоизи, 60 мингдан ортиқ педагог 10 миллион сўмдан ортиқ маош оляпти. Қолаверса, эндиликда икки минг доллар маош олаётган педагоглар сони ҳам ортиб борапти. Биргина Сурхондарёда қарийб 20 ўқитувчи 20 миллион сўмдан ортиқ маош оляпти. Устамалар, янги баҳолаш тизими ўқитувчиларимиз ҳаётини яхшилашдан ташқари, уларнинг касбига бўлган муҳаббатини ҳам ошириб юборди. Қанчалик қийин бўлмасин, юқори маошли ўқитувчилар сафи кенгайгани яхши. Зеро, изланувчан, замон билан ҳамнафас устозлар ҳудди ўзларидек, балки ўзларидан-да кучли шоғирларни тарбиялашга хизмат қилади. Республикаимизнинг турли бурчақларида меҳнат қилаётган ана шундай ўқитувчилар билан кечган давра суҳбатимизда соҳа вакиллари ўзларининг муносиб рағбат топётгани, тизимдаги ислохотлар самараси хусусида сўзлади.

Фавқулодда вазиятлар асрлар давомида инсониятга хавфсизлик нуқтаи назаридан муайян даражада салбий таъсир кўрсатиб келган. Шу боис, аҳолига эҳтимолий вазиятлардан келиб чиқиб муҳофазаланиш чораларини ўргатиш муҳим. Муҳофазаланиш чоралари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, талафот ҳажмини камайтириш, оқибатларини бартараф этиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашни ўз ичига олади.

Президентимизнинг жорий йил 20 октябрдаги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар қамрови ва самардорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилишда илгор хорижий тажрибани инноватга олган ҳолда илмий-техник ёндашувлар асосида



Дилором МАМАТОВА, Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби давлат тили фани ўқитувчиси:

— Тўғри айтасиз, бугун ўқитувчилигимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ бундан 10 йиллар олдин шу касбини танлаганимдан афсусланган пайтларим бўлган. Сабаби, жисмоний ишга қийналар эдим. Айниқса, пахта териш оғир иш эди менга. Шунинг учун олий маълумот олганмидим, дея ҳафсалам пир бўлиб кетарди. Қолаверса, дарсимни ҳокимликлар, ички ишлар, умуман, юқори ташкилотлар вакиллари хоҳлаган пайт бўлиши ҳам ёқмас эди. Ўқитувчиларнинг мактеи паст бўлган улар учун. Хайриятки, вақтнинг ўзи олий ҳакам. Мана, энди ўқитувчилар орзу қилган кунлар келди.

Бугун ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам билимини аниқлайдиган мукаммал тарози бор. Тўғри, бир пайтлар таниш-билишчилик бўлаганини эшитганимиз. Бироқ ҳозир ҳаммаси ҳаққоний деб айта оламиз. Чунки ютуқларимнинг барига ўз кучим билан эришдим. Kundalik.com платформаси, айниқса, менга ёқди, таниш-билишга ҳожат йўқ.

Дилором МАМАТОВА, Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби давлат тили фани ўқитувчиси:

— Тўғри айтасиз, бугун ўқитувчилигимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ бундан 10 йиллар олдин шу касбини танлаганимдан афсусланган пайтларим бўлган. Сабаби, жисмоний ишга қийналар эдим. Айниқса, пахта териш оғир иш эди менга. Шунинг учун олий маълумот олганмидим, дея ҳафсалам пир бўлиб кетарди. Қолаверса, дарсимни ҳокимликлар, ички ишлар, умуман, юқори ташкилотлар вакиллари хоҳлаган пайт бўлиши ҳам ёқмас эди. Ўқитувчиларнинг мактеи паст бўлган улар учун. Хайриятки, вақтнинг ўзи олий ҳакам. Мана, энди ўқитувчилар орзу қилган кунлар келди.

Бугун ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам билимини аниқлайдиган мукаммал тарози бор. Тўғри, бир пайтлар таниш-билишчилик бўлаганини эшитганимиз. Бироқ ҳозир ҳаммаси ҳаққоний деб айта оламиз. Чунки ютуқларимнинг барига ўз кучим билан эришдим. Kundalik.com платформаси, айниқса, менга ёқди, таниш-билишга ҳожат йўқ.



Ўқишни тамомлагач, 13 йил Наманган шаҳри педагогика коллежиди ишладим. 2019 йилдан мазкур шаҳардаги 1-мактабда иш бошладим. Мутахассис эдим. 1,5 йилда навбатдан ташқари аттестацияларда қатнашиб, олий тоифага ўтдим. Она тили ва адабиёт фанидан миллий сертификатим борлиги учун 50 фоиз устама оляпман.

Тест ва суҳбатдан муваффақиятли ўтиб, ва- зир жамғармасининг 100 фоизли устамасини ҳам қўлга киритдим. Менинг учун доимий из- ланиш бораберида юқори маошга эришиши қий- ин жараён эмас. Айтганимдек, ақлий меҳнат- ни яхши кўраман. Энг муҳим, бугун ақлий салоҳиятингни рўйирос баҳолайдиган шаф- фоф тизим яратилди. Шу тизим орқали тоифа, миллий сертификат олдим. Аттестациялар адо- латли ташкил этиляпти. Тест ва имтиҳонлар- нинг бари шаффоф. Олимпиадаларда ҳам адо- латли ёндашувларга эришдик. Уларда юқори ўринларни қўлга киритган ўқувчиларим бор.

Жорий ўқув йили бошидан касбий ривож- ланиш кунларида шахар бўйича менторлик (менторлик учун ҳам 20 фоиз устама бор) қилипман. Жуда кўп янгилликларни ўргандим, фойдала машғулотлар билан танишдим. 80 га кирган қайнотам бор. Уларга хизмат қилсам, ишларимга ривож тилаб дуо қилади. Балки шундандир, фаолиятим билан ҳурмат топдим.

Орзимат ЗАРИПОВ, Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида- ги 11-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси:

— Бугунги кунда ўқитувчиларнинг нуфузи сезиларли даражада ошганини янада чуқуროқ ҳис қилиман. Чунки бундан 9-10 йиллар олдин ҳам педагогларга кўп мажбурий меҳнат юкланар эди, энди эса ўқитувчиға ҳеч ким вазифасидан бошқа ишни қилдирмайди, ўз устиди ишлаш учун барча имкониятлар яратилган. Мен дастлаб



иш бошлаган 2017 йилларда ҳам ўқитувчилар юртидагидан ҳужжатлар сони, ҳисоботлар кўп эди. Асосий эътиборимиз, вақтимиз қоғозбоз- ликка кетиб қоларди. Ҳозир эса кераксиз ҳуж- жатларнинг аксари чиқариб ташланди. Энди эр- кин ижод қилиш, ўз устимизда кўпроқ ишлашга вақт топиамиз. Иқтисодий имкониятларимизни оширишимиз учун ҳам қатор имтиёзлар берил- ди. 8-9 йил олдин ўқитувчилар тоифасига қараб бир хил маош оларди. Энди эса тоифаси ошгани сари маоши ҳам ошиб боради, қўлпал устама ва рағбатлантиришлар мавжуд. Аттестациядан 86 ва ундан юқори балл олсак, маошимизнинг 70 фоизи миқдориди устама оляпмиз. Ўқувчи- ларимиз олий таълим муассасаларига юқори балл билан кирса ёки республика олимпиадаларига чиқса, методик қўлланмаларимиз оммалашса, ўз ҳудудимизда илгор ўқитувчи деб топилас, ва- зир жамғармасидан устамани қўлга кирити- шимиз мумкин. Бундан ташқари, мактаб дирек- тор жамғармасидан ҳам 50 фоизча устама, сертификатлар учун алоҳида тўланадиган уста- малар бор.

Буларга эришиш йўлида аввалгидек та- ниш-билишчилик йўқ. Ҳаммаси тизимлашти- рилган, имтиҳонларнинг бари шаффоф ўт- казляпти. Аттестацияга FACE ID — юз текширувидан ўтиб киряпмиз. Қандай қилиб ноҳақлик бўлиши мумкин?

Баҳорги аттестацияда 86 балл йиниб, 70 фо- изли устамани қўлга киритдим. Февраль-март ойларида ўтказилган ва- зир жамғармаси си- новларида ҳам қатнашиб, саралаш тести- дан, француз тилига жуда қизиқадиған, истеъдодли фарзандимнинг шу йўлда давом этишига ҳуж- жат қилишди. Шундай пайтларда хафа бўл- сак, ҳеч қачон йўналишимни, касбимни ўз- гартириш ҳақида ўйламаганман. Агар ўқитувчи бўлмасам ким бўлар эдим, дейман. Бошқа касб- ни тасаввур ҳам қила олмаيمان. Шунинг учун ўқитувчиликдан фахрланаман. Ҳар куни эрталаб мактабга кириб бораётганимда ўқув- чилар “Ассалому алайкум, устоз” дейишса, қўпична француз тилида салом беришса, қу- вониб кетаман. Ҳозир француз тили фанидан туманимизда ментор ўқитувчи сифатида ҳам фаолият юрляпман. Ўзим сингари француз тили ўқитувчилари билан бор билимимни ўртоқлашиб, янги методларни ўргатаман. Бу орқали дарсларнинг унумли бўлишига ҳисса қўшолсам, давлатимиз, халқимиз олдида юзим ёғур бўлади.



Юксалиш палласи

Нодира БОБОҚУЛОВА, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 21-мактабининг француз тили ўқитувчиси:

— Тўғри, бугуннинг ўқитувчисидан ҳар қачонгидан кўпроқ фидойилик талаб қилинляпти. 2001 йилдан буён ўзим ўқиган мактабда француз тили ўқитувчиси сифатида ишлай- ман. 2017 йилда 100 фоизли натижа билан олий тоифа олганман ва 2024 йилда 92 балл билан уни яна ҳимоя қилишга эришганман. Икки марта чет тили фан ўқитувчиларига ажратилган 30 фоизли сертификат олганман. Халқаро DALF C1 дипломини олдим. Икки марта миллий C1 сертификатига эга бўлган- ман ва уч марта ва- зир жамғармасидан устама олишга эришдим. Мактабда директор жамғар- маси ҳисобидан 40 фоизли устама олиб кел- япман. Бунинг учун эса имкон қадар ўз устимда ишлайман. 2013 йилдан буён ҳар йили ўқувчи- ларим туманда, вилоятда 1-, 2-, 3- ўринларни эгаллаб келади. Республика босқичида уч мар- та яхши натижаларни қўлга киритдик.

Қандай имтиҳон бўлмасин, фақат били- мим билан натижага эришганман. Мен бил- лан бирор ўқитувчи қандайдир йўллар билан

Гулноза УСМОНОВА, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 1-мактабининг она тили ва адабиёт ўқитув- чиси:



— Ҳа, бугун бизга берилаётган алоҳида эътибор фидойилик кўрсатишимиз, халқи- миз, келажагимиз олдида юзимиз ёғур бў- лиши учун очилаётган йўллар. Сентябрьдан то ноябрь, декабргача пахта даласида юрган пайтларимиз амаллаб дарсларни етказиб олиш-у, ўқувчиларга сал бўлса-да тушунача ҳосил қилишни ўйлаганимиз. Пахта штабида ҳокимдан гап эшитиб йиғилганим келса-да, этак тутиб, пахта теришга мажбурланган ўқувчиларимиздан кўнгил узолмаганимиз. Маошимиз рўзгорнинг камига етмаган пайт- да ҳам таълимдан кетмадик. Табиийки, эр- кақлар арзимаган маош билан оила тебрат- олмасди. Қанчаси четга чиқиб кетди, ўзини бошқа ишларга урди ўша пайтлар. Энди улар ҳам мактабларга қайтапти. 17 миллион сўм- дан ортиқ ойлик олиш тушимизга ҳам кир- маган. Яна ҳурмату эъзоз билан юқори маош олсанг, жуда бошқача бўлар экан. Шундай бир даврда енг шимариб, белини боғлаб ишла- маслик мумкинмас. Бугун зиёли ақлини уй- готадиган бундай ислохотлар анги уйғониш даврини кўришга хизмат қилляпти. Шу маъно- да, бугун ўқитувчининг ўрни фақат мактабда ва бу жуда тўғри қарор.

Дарҳақиқат, улар каби ўқитувчиларга бугун кўплар ҳавасда. Кеча нарх устидида озроқ талашганларга тап тортмай “ўқи- тувчимисиз?”, дея писанда қилганлар бугун ўқитувчи ҳам бўй бўлаётганини кўриб- би- либ турибди. Фарзандларининг илм олиши учун ҳам шу касб эгалари яхши яшаши, ҳеч нарсадан кам бўлмаслигини улар ва бошқалар чуқур англаяпти. Шу маънода, аксарият юртдошларимиз зиёлилар учун ҳар қанча эътибор, ҳар қанча рағбатга хайрихоҳлик билдира бошладилар. Ўқитув- чи фаровонликка энг қийин йўл — бори- ни бахшида қилиш билан эришяётганига гувоҳлигини яширмайди, ўқитувчининг яхши яшашига монелик қилмайди. 1000 ёки 2000 доллар маош олаётган устозлар- нинг шунга муносиблигини фахрланиб гапирди. Демак, Ўзбекистонда ўқитувчи- нинг нафақат маоши, обрўси ҳам чинака- миға ошиб бораётгани рост.

Давра суҳбатини “Янги Ўзбекистон” муҳбири Муножат МЎМИНОВА олиб борди.

ИННОВАЦИОН МОБИЛ ЗИЛЗИЛА СИМУЛЯТОРИ

ҲАМ АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

самарали профилактика ва давлат назорати- нинг янги механизмларини йўлга қўйиш ҳамда соҳага замонавий рақамли ечимларни жорий этиш бўйича миллий тажрибани яратиш мақ- садларига йўналтирилган ушбу ҳужжат мазкур йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш борасидаги ислохотларнинг устувор мақсадлари белгиланб берилди.

Жумладан, фавқулодда вазиятларнинг бар- вақт олдини олиш ва оқибатларини камайти- риш фаолиятини устувор вазифа сифатида қабул қилиш орқали маҳаллалар даражасида кенг қамровли профилактика механизмларини яратиш ва самарали тағбиқ қилиш энергетика, йирик ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кў- ратиш объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш, техноген ава- рияларни ўз вақтида бартараф этишнинг янги стандарт ҳамда методикаларини ишлаб чиқиш ва фавқулодда вазиятлар шaroитларида ҳа- ракатланиш амалиётини йўлга қўйиш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Бундан ташқари, фавқулодда вазиятлар йўналишида давлат назорати шакллари- нинг талаблари ҳамда меъёrlарини замон талаблари- га мос равишда қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини трансформа- ция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини белгилаш фавқулодда вазиятлар хавфини бартараф этиш соҳасига сунъий ин- теллект, робототехника ва замонавий рақамли



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

технологияларни кенг жорий этиш, мазкур ҳолатларнинг олдини олишга масъул идора ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ягона техноло- гик платформага би- рлаштириш барча бугундаги фавқулодда вазиятлар органлари учун кадрлар ва раҳбарларни мақсадли тайёр- лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича дуал таълимга асосланган яхлит, узлуқ- сиз ўқув тизимини йўлга қўйиш, мазкур жара- ёнга ўқитишнинг илгор педагогик усулларини тағбиқ этиш ҳам соҳа фаолиятининг асосий йўналишлари бўлади.

Фармон билан соҳани ислох қилишнинг ташкилий асослари, бошқарувда тақрорлану- чи функцияларни мақбуллаштириш, ҳодимлар- ни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда молиявий асослар билан боғлиқ долзарб вазифалар ҳам

келмоқда. Мазкур симулятор ёрдамида аҳоли- ни фақатгина зилзила вақтида тўғри ҳаракат- ланиш бўйича амалий тайёргарлиқдан ўткази- ш мумкин. Марказнинг аҳолини тайёрлаш имконияти бир йилда кўпи билан 10 минг на- фарга етмоқда. Одамларнинг қарийб 70 фоизи сейсмик фаол ҳудудларда истиқомат қилиши- ни инноватга олсак, юртдошларимизни амалий ҳаракатланишга тайёрлаш имконияти етарли даражада эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва ундан кейин тўғри ҳаракатланишга тайёрлашни юқори даражага кўтариш, кучли зилзила оқибатида талафотлар камайтиришга эришиш ҳамда иқтисодиётимизга етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтириш долзарб вазифадир. Шунингдек, соҳани замо- навий ахборот-коммуникация технологиялари- дан фойдаланган ҳолда ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.

Бу каби муаммолар масалаларни самарали ҳал этишда ушбу ҳужжат билан бир қаторда Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амал- га оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, маз- кур ҳужжатда Фавқулодда вазиятлар ва- зирлиги аҳолини фавқулодда вазиятлар, кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга

тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Фуқаро муҳофазаси институти илмий ҳо- дим ва профессор-ўқитувчилари томонидан фармонда белгиланган вазифалар ижроси дои- расида 2024 йилда “Зилзилалар олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин амалий ҳаракат қилишга ўргатишга мўлжалланган кўча мо- бил зилзила симулятор”ни яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу асосда ишлаб чиқилган кўча мобил зилзила симуляторини орқали аҳолини зилзилада амалий ҳаракатланишга ўрга- тишдан ташқари турли даражадаги зилзилани виртуал тарзда ҳис этиш (хонада), зилзила на- тижасида юзага келган сув тошқинида қўллар қатталаниш, зилзилалар кейин юзигада турган ёнгини бартараф этиш, хавфли объектда со- дир бўлган ёнгин-портлашда тўғри ҳаракатла- ниш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ама- лий ўргатиш имконияти ҳам яратилди.

Битта кўча мобил зилзила симуляторини билан бир йилда сейсмик фаол ҳудудларда ис- тикомат белгиланган 25-30 минг кишини амалий ҳаракатланишга тайёрлаш мумкин. Зилзила си- муляторини орқали, биринчи навбатда, чечка ҳу- дудларда яшовчи аҳолида тўғри ҳаракатланиш бўйича амалий кўнликма ҳосил қилинади.

Мазкур симулятор ёрдамида шахар ва қиш- лоқлардаги ҳамда етиб бориш қийин бўлган тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги аҳоли пункт- ларида ҳам зилзилада ҳаракатланишга амалий тайёрлаш мумкин бўлади. Инновацион ушбу қурилмани кейинчалик ҳар бир вилоят учун алоҳида ишлаб чиқиш ҳамда бошқа мамла- катларга экспорт қилиш мумкин. Бу ҳам аҳоли хавфсизлиги, ҳам иқтисодий барқарорликка за- мин яратиши билан аҳамиятлидир.

Саид-Азим ОРИПОВ, Дилмурод ҚОДИРОВ, Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари

